

Эрта билан омборга келган ишчилар деворнинг тешилаганини кўриб, ҳайрон бўлишди. Ичкарига кириб қарашса, 24 қоп ун ғойиб бўлибди. Таниш-билишлардан сўраб-суриштиришди, ammo натижа бўлмади.

7 бет

Инсон бир гуноҳга қўл урса, уни яшириш учун иккинчисини содир қилишга мажбур бўларкан. Афсуски, орамизда айбини тан олишни истамайдиган, вақтида чекиниш ўрнига, яна жиноятга қўл урадиганлар учраб туради.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 27-oktabr, №43 (772)

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Қонун лойиҳаларида норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллаш ва юридик расмийлаштириш масалалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мухим тадбирлар

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Давра суҳбатида Конституция ва қонунларимизни такомиллаштиришга, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни таъминловчи мукаммал қонунчилик тизimini шакллантиришга алоҳида эътибор берилганлиги таъкидланди.

Тадбирда норматив-ҳуқуқий атамаларни амалиётда тўғри ва асосланган ҳолда қўллаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида уларни киритишда юридик жиҳатдан расмийлаштиришни такомиллаштириш ва қонун ташаббускорлари томонидан бир хил қўлланишга эришишга эътибор қаратилиши масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бундан ташқари, иштирокчилар қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилашга, қонунларда тафовутларга, тақдорланишларга йўл қўймасликка, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатларини камайтиришга, қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларга эътиборни янада кучайтиришга, қонун ижодкорлигида бой маданий ва маънавий меросимизга, миллий урф-одат ва анъаналарга, замонавий ҳуқуқ илми ва амалиёти ютуқларига таъниш зарурлигига эътиборларини қаратдилар. Шу билан бирга, иштирокчилар қонун лойиҳаларини тайёрлашда ва уларда норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллашда иштирок этадиган ташкилотларнинг ўзаро тажриба алмашинуви ва қўмағини шакллантириш борасидаги ишларни тўғри йўлга қўйиш, амалиётчилар ва илмий-назарий тажрибача эга тилшунос олимлар ҳамда мутахассислар билан доимий ҳамкорликни кучайтириш борасидаги ишлар ҳусусида ҳам ўртоқлашдилар.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва девони ходимлари, Сенат аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Шунингдек, шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан "Солиқ маслаҳати фаолиятини такомиллаштириш масалалари"га бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир тадбиркорларга солиқ қонунчилиги талаблари бажарилиши учун қулай шароитларни яратиш орқали профессионал ва малакали хизматлар кўрсатиш, иқтисодий ривожланган давлатларда кенг қўлланиладиган ҳўжалик субъектларига ҳуқуқий, молиявий ва бошқариш масалаларида кўмаклашишда солиқ маслаҳати хизматининг профессионал фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама-сига бағишланди.

Бу борада қўйи палата томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳам кенг имконияти яратди.

Ҳозирги амалдаги қонунда солиқ маслаҳати бўйича хизматлар фақатгина солиқ маслаҳати ташкилоти — юридик шахс томонидан ҳақ эвазига кўрсатилиши лозимлиги "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Қонунда аниқ белгилаб қўйилганлигига қарамай, амалиётда солиқ маслаҳати бўйича хизматлар бошқа шахслар томонидан амалга оширилмоқда. Уларнинг фаолиятини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларида солиқ масалаларига оид кўрсатилган хизматлар учун жавобгарлик чоралари белгиланмаган.

Таъкидланганидек, бу борадаги камчиликлар нафақат солиқ маслаҳати хизматлари бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга, балки солиқ маслаҳати миллий институти-ни ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Иштирокчилар юқоридаги қонун лойиҳаси барча камчилик ва ноаниқликларни бартараф этишга хизмат қилишини эътироф этдилар.

Тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг ходимлари, бухгалтерлар, аудиторлар, олимлар, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги

Ҳуқуқий демократик давлат қурилиши ва шаклланиши фуқаролик жамиятининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Жамият, қачонки, унда ҳуқуқ субъекти сифатида фуқаролар тенглиги, уларнинг ҳуқуқий эркинлиги ҳамда ҳуқуқий ҳимояси таъминланган бўлсагина фуқаролик жамияти бўлиб ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг барча тамойиллари, аввало, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилди. Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида айтиб ўтганларидек, Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолиимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жadal шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Юқоридаги мажлисда Президентимиз қайд этганларидек, бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йлга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар сони 10 мингдан ортқини ташкил этади.

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадрлар, инсон

ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунига кўра, ушбу уюшмалар фуқароларни давлат ва жамият ишларини бошқаришга, уларда мустақиллик масъулиятини, ватанпарварлик, ташкилотчилик туйғусини, одамлар билан ишлаш кўники-

масини, ҳуллас, ижтимоий-маданий ҳислатларни шакллантиришга ёрдам беради.

Фуқаролик жамияти институтлари жамият ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг институтлаштирилган ифодасидир. Улардаги уюшқоқлик, аниқ мақсадларга йўналтирилганлик, ижтимоий ҳуқуқий маконда фаолият кўрсатиши, кишиларнинг ижтимоий фаоллигига конструктивлик бериши, жамиятда дуч келаётган муаммоларни давлатдан ёрдам кутиб ўтирмасдан мустақил ҳал этиши муҳим аҳамиятга эга. Расмий ҳокимият объектив ва субъектив сабаблар боис ҳал эта олмаётган масалаларни тез ҳал этиш, бюрократия гов бўлаётган муаммоларга ижтимоий фикр уйғотиш каби хатти-ҳаракатлари билан нодавлат жамоат ташкилотларини халққа, кишилар турмушига яқин қилади, аҳолининг қўллаб-қувватлашига эришади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш жамиятда сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг оқори даражада бўлиши билан боғлиқдир. Шахсининг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашиши, ўзининг ижтимоий бурчини, бошқалар олдидаги масъулиятини англаши ифодасидир. Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий фаоллиги, сайё-ҳаракатлари тўғрисида ижтимоий демократик макон реал воқеликка айланади.

/Давоми 4-бетда/

Обуна — 2012

Ҳурматли юртдошлар!

2012 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.

Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАН!

НАШР ИНДЕКСИ — 231



Бозор профилактика нозирлари паспортларни текшириб юрганимиш деган гапни эшитган-ю, Дилмуроднинг пайтавасига қурт тушди. Гарчи Юнусобод бозорига сомсапазлик қилиб юрганига уч йилча бўлган бўлса-да, паспортни рўйхатга қўймаган эди. Устига-устак у ишлаган сомсахонанинг эгаси ҳам тезга пропискани ҳал қилмаса бўлмаслигини, уни деб гап тегаетганини қайт-қайта таъкидлаётганча, Дилмурод бу ишни ҳал қилиб берадиган таниш қилди бошлади.

Қинғир ишнинг қийиғи

Комилжон НУРУЛЛАЕВ,
Юнусобод туман прокурори
ёрдамчиси

Шундай кунлардан бирида кимдир кўшни сомсахонада ишлайдиган Шерзод яқинда вақтинча рўйхатдан ўтганини айтиб қолди. Дилмурод шу заҳоти Шерзодга учрашди. Шерзоднинг айтишича, бу ишда унга қариндоши Шавкат исмли йигит ёрдам берган экан. Хуллас, у Дилмуроднинг илтимоси билан уларни учраштириб қўйди.

Шавкат бундай ишлар билан унинг Бобур исмли таниши шуғулланиши, паспорт уч кунда тайёр бўлиши, агар яна рўйхатга қўймоқчи бўлганлар бўлса, бемалол олиб келишини айтиб, хизмат ҳақи учун 125 минг сўм сўради. Дилмуроднинг ёнида бунча пул йўқ эди. Шунинг учун у Шавкатга паспортини берди-да, пулни кейинчалик олиб келиб беришни ваъда қилди. Шу билан бирга, яна олти нафар танишининг паспортларини ҳамда 720 минг сўм пулларини олиб келиб берди. Аммо ҳужжати расмийлаштириш қўзилиб кетгани учун Самарқандга қайтиб кетди.

Орадан маълум вақт ўтиб, пойтахтга қайтиб келганида унга паспортини беришди. Қай қўз билан кўрсинки, паспортга пойтахтнинг Олмазор туманидаги уйлардан бирига рўйхатга қўйилганлиги ҳақида муҳр босилган эди. Бироқ ҳар қандай қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганларидек Дилмуроднинг қонунга хилоф иш қилганлиги, паспортдаги муҳр ҳамда штампларнинг қалбаки эканлиги ошкор бўлди.

Охирига етмаган савдо

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг ташаббуси билан қатор қарор ва фармонлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Албатта, буларнинг барчаси элимиз раънақи, юртимиз келажаги ва мамлакатимиз оқибатлигига хизмат қилади.

Бироқ, фуқароларимиз орасида давлатимиз томонидан тадбиркорликка берилган таъминотлар, яратилган шароитларни тушуниб етмаган, қонунни четлаб, осон даромад олиш пайида юрганларни ҳам учраб турганлиги ачинарлидир. Бундай кимсаларнинг жамиятимизга фойдасидан кўра зарарининг қўлиги уларга қарши курашни кескин қўйиштириш тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютаси оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Андижон вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ана шундай шахсларни аниқлаб, уларнинг қонуний фаолиятига чек қўйиш борасида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги 605-сонли Қарори ва мазкур қарор билан тасдиқланган Низом ва қоидаларга кўра, алко-голли маҳсулотлар савдоси билан махсус рухсатномага асосан, белгиланган талабларга мос тарзда ҳижозланган турғун савдо дўконига эга бўлган юридик шахсларга шуғулланиши мумкин.

Лекин, Андижон шаҳрида яшовчи фуқаролар Иброҳимжон Ухтамов ва Алимдоран Зайнабидиновлар ушбу қонун-қоидаларга зид равишда, қонуний фойда қўриш мақсадида ўзаро тил бирикти-

Дилшодбек МИРЗАЕВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Андижон вилоят бошқармаси
матбуот гуруҳи катта инспектори

риб, шаҳардаги спиртли ичимликларни махсус рухсатнома асосида сотишга ихтисослашган савдо дўконидан белгиланган нархларда ароқ маҳсулотларини сотиб олиб, сўнгра уларни устига устама нарх қўйиб, ҳеч қандай ҳужжатсиз сотиш орқали даромад олиш режасини тузадилар.

Шу тариха тузилган режага биноан Андижон шаҳридаги "Яшин камалак" кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо фирмасининг спиртли ичимликларни сотишга ихтисослаштирилган савдо дўконидан минг шиша "Русская водка" русумли ароқ сотиб олиб, Шаҳрихон туманига йўл оладилар. Буни қарангки, улар ўзларини қонунга амал қилувчи фуқаролар каби тутиб, дўкондан харидлари учун назорат-касса машинаси чекини олишни ҳам унутмайдилар. Белгиланган манзилга етиб келишгач, табиики, ушбу маҳсулот учун харидор топишга қиришадилар ва Шаҳрихон шаҳар марказида фуқаро А.Қодировга рубур қеладилар ва у билан келишиб, ароқларнинг ҳар бир донасини 3400 сўмдан (2800 сўмдан олинган ароқлар устига 600 сўмдан устама нарх қўйиб), жами 3 млн. 400 минг сўмга сотишадиган вақтда Департаментининг Шаҳрихон туман бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди. Ушбу ҳолат юзасидан уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилди.

Яқинда мазкур иш туман суди томонидан қўриб чиқилди ва айбдор шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Ҳуқуқий ва амалий ёрдам берилмоқда

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш алават сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисоблангани боис, прокуратура органлари олдига уларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш билан боғлиқ муайян вазифалар юклатилган.

Шу ўринда тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда туман прокуратураси томонидан қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, туман прокуратурасида ташкил этилган ишонч телефонига келиб тушган мурожаатларнинг барчаси қаноатлантирилган. Шунингдек, туман прокуратураси томонидан туман ҳокимияти билан ҳамкорликда ташкил этилган учрашуларда 4 минг нафардан зиёд тадбиркор иштирок этган бўлиб, ушбу тадбирларда нафақат уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, балки фаолиятларида озага келатган муаммоларни ҳал этишда ҳам амалий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 40 дан ошқ, жумладан, 9 нафар тадбиркорга банкдан ҳисоб рақами очилди, 21 тасига янги иш ўринлари яратилиш ҳамда бандлигини таъминлашда-

ми муаммолари туман прокуратурасининг ёрдами билан ижобий ҳал этилди.

Ўтказилган текширишларда 30 га яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, шундан назорат-текширув идоралари томонидан тадбиркорларнинг манфаатларига зид қабул қилинган 10 дан ошқ қарорларга протест келтирилиб, бекор қилинди.

Масалан, туман прокуратураси томонидан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ни Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси туман ДСИ ва туман ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та тақдирнома киритилган ҳамда 11 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари фаолияти би-

Баҳодир ПЎЛАТОВ,
Шайхонтоҳур туман прокурори

лан боғлиқ қарорлар ўрганилиб, жорий йилнинг 6 ойи давомида назорат текширув органларининг тадбиркорларга нисбатан 4 та маъмурий ва 4 та молиявий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорларига протест келтирилган.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2011 йил 23 апрелдаги қарорига асосан туман ҳокимиятида ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан ҳозирги кунга қадар 15 та йиғилиш ўтказилиб, ушбу тадбирлар давомида тумандаги фаолият юритмаётган 265 та корхона, ташкилот ва тадбиркорлик субъектларидан 42 тасининг фаолияти қайта тикланди. Шу асосда 175 та янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланди. Шу билан бирга, фаолият юритмаётган корхона, ташкилот ва тадбиркорлик субъектларидан 55 таси тегишли тартибда тугатилиб, давлат реестридан чиқарилди.

Мурожаатлар эътиборда

Марс ДЖАНАБОЕВ,
Қораўзак туман прокурори

Тумандаги "Қаршиғали" овул фуқаролар йиғинида яшовчи Ж.Тўрақасва тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилиб, керакли ҳужжатларни расмийлаштиригач, овул марказида савдо дўконини очди. Иш кунларининг бирида туман электр тармоқлари хохимлари келиб, дўконнинг электр таъминотини узиб қўйишди. Тадбиркорнинг илатимослари, ялинишлари иш бермади. Иши тўхтаб қолганидан рангжан Ж.Тўрақасва ахирги прокуратурага мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Унинг аризасини ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам электр тармоқлари идораси ходимлари томонидан дўконнинг электр тармоғидан ноқонуний равишда узиб қўйилганлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, дўконда техника, ёнғин ҳафсизлиги таъминланган бўлиб, тўловлар ҳам ўз вақтида амалга ошириб келинаётган экан. Тадбиркорнинг мурожаати тезда ҳал қилиниб, қонунбузарликка йўл қўйган ходимларга нисбатан маъмурий чора қўлланилди.

Маълумки туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорликни рўйхатга олиш инспекциялари ишлаб турибди. Лекин бу инспекцияда фаолият юритаётган айрим ходимларнинг "ғалати ўйинлари"дан ёқа ушлайсан киши... "Қораўзак сифатли" ноҳусусий фирмасини қайта рўйхатдан ўтказган фуқаро Абдусайид Давлатназаровга тўланиши зарур бўлган 37 680 сўм ўрнига 60 280 сўмни ҳисоблаб бердилар. Оқибатда фирма раҳбари ортиқча 22 600 сўм пул тўлашга мажбур бўлди. Ишга прокуратура аралашгач, ортиқча ундирилган пул қонун асосида фирма ҳисобига қайтарилди.

Инспекция фаолияти кўздан кечирилганда, ай-

рим ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам бир қатор камчиликлар борлиги аниқланиб, қонунбузарликларга йўл қўйганлиги учун туман ҳокимлигига тақдирнома киритилди.

Тадбиркорлар қонун ҳимоясида. Шу боис туман прокуратураси ҳар бир фуқаронинг ариза ва шикоятларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун тадбиркорлар хонаси ташкил этилган бўлиб, мурожаатлар ҳам ёзма, ҳам озаки турда бўлса-да, ҳисобга олинмоқда. Шунингдек, мунтазаам равишда ишлаб турган "Ишонч телефони" орқали мурожаат қилган фуқароларнинг муаммолари ҳам ҳал этиб берилмоқда.

Мисолларга мурожаат қилсак: "Ишонч телефони"га қўнғирок қилган Қорақалпоғистон кўчаси 32-уйда яшовчи фуқаро С.Ақилмисовнинг маълум қилишича, ҳокимлик ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясининг айби билан "Қораўзакли Шаҳзода Света" МЧЖга савдо ўрни сифатида фойдаланиш учун ўзи истиқомат қилаётган иморатдан икки хона ажратиб берилмаётган экан. Шикоят ўрганилганда, унинг бир қанча мутасаддиларга учрашгани, аммо ҳеч қандай натижа бўлмагани аён бўлди. Прокуратуранинг аралашуви билан С.Ақилмисовига иморатнинг фойдаланилмай турган икки хонаси дўкон сифатида ажратилди. Тадбиркорга қўпол муносабатда бўлган туман ҳокимлиги ҳуқуқсуннос маслаҳатчиси Ж.Темирханов ҳамда инспекция бошлиғи Т.Айтжановлар интизомий жавобгарликка тортилдилар.

Х.МАХМУДОВ,
Тошкент транспорт
прокуратураси терговчиси
Гули ХОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Сўнгги бекат

2009 йилнинг январь ойи. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида яшовчи Нодир Воҳидов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) эски таниши Алексей Николаевга бирров учрашиб, шу заҳоти ортига қайта. У 2 грамм "ташиш" гёйхандлик моддасини 40 минг сўмга сотиб, қолган "бюрогма"ларини ҳам "эга"ларига етказишга шошилди. Алексей ҳам вақтини ўтказмай, Нодирдан сотиб олган "мол"нинг маълум бир қисmini ўзи истезмол қилиб, қолган қисmini "Қураат" исмли нотаниш шахста сотиб юборди.

Хуқуқий муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Алексей Николаевнинг уйи тинтув қилиниб, унинг ҳождатхонасидан зар қорғозга ўралган "ташиш" гёйхандлик моддаси топишгач, у "мол"ни Н.Воҳидовдан харид қилиб олганли-

гини билдирди. Сураб-суриштиришлар натижасида Нодирнинг Қозоғистон Республикасига чиқиб кетгани маълум бўлди.

Орадан 2 йил ўтиб, жорий йилнинг февраль ойда Жиззах вилоятининг "Сапар базар" чегара постидаги чегара қўшинлари томонидан Нодир

Воҳидов давлат чегарасини белгиланган тартибининг ҳамда фуқароларнинг хорижа чиқиш қоидаларини бузиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирмоқчи бўлганида ушланди. Унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Мазкур жиноят иши Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Пискент туман суди томонидан қўриб чиқилиб, судланувчи узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинди.

Қонун ҳужжатлари янада такомиллашмоқда

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилди. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни жадал ривожлантириш бўйича қўлай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Натижада сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсди. Ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоиздан 74,5 фоизгача ўсди. Аҳоли даромадларининг 47 фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

2011 йилнинг Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши натижасида тадбиркорларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши масаласига бўлган эътибор янада кучайтирилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва олиб боришда уларни текшириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида тадбиркорлик субъектларини текширишларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар тизимида 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган "Ўҳжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат томонидан назорат қилиш соҳасидаги қатор муносабатлар, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режали текширишлар дариёлиги, текширувлар муддатлари, режадан ташқари текширув, яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш, муқобил текширишлар, назорат тартибда текшириш, текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг

ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслиқни кафолатлаш, назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик кабилар тартибга солинган.

Айни пайтда мазкур қонун тадбиркорлик субъектларини давлат органлари томонидан текширишларни амалга оширишнинг асосий ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш масаласига янада кўпроқ аҳамият берилди.

Жорий йилда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган тизимни янада кучайтириш мақсадида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинмоқда. Улар жумласида ишбилармонлик муҳитини янада тўбдан яхшилаш, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва говларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш мақсадида қабул қилинган 2011

йилнинг 24 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4354-сонли Фармони келтиришимиз мумкин.

Мазкур Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларга оид қатор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Фармоннинг 1-бандига мувофиқ Вазирлар Маҳамаси, вазирлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга қаратилган қуйидаги муҳим вазифалари белгилаб берилган:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларга барҳам бериш, давлат бошқаруви функцияларини қисқартириш ва тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган турли руҳсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини ҳескин қисқартириш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очкилик ва шаффофликни таъминлаш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисоботларни топшириш механизминини уларни электрон тизим бўйича тақдим этишга босқичма-босқич ўтиш орқали тўбдан соддалаштириш.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни янада қисқартиришда 2011 йилнинг 13 сентябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисоб-

ланади. Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун 2011 йилнинг 4 апрелида давлат назорат органларининг қорхоналар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини тўбдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ қабул қилинди.

Ушбу Фармонга кўра: янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтда бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги (акциз солиғига тортилган товар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно);

2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш сўрьатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақдирини (юримдик шахсларни тугатиш чоғида қўзғатилган жиний ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текши-

Баҳодир ТАЙДЖАНОВ,
Миробод туман прокурори,
3-даражали Давлат адлия
маслаҳатчиси
У.АБДУРАХМОНОВ,
туман прокурори ёрдამчиси

ришлар бундан мустасно); кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларининг қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кундан ортик муддатга узайтирилишига йўл қўймаслиги белгилаб қўйилди.

Шу муносабат билан қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари, жумладан, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги, "Ўҳжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хусусий қорхона тўғрисида"ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қайд этилган Фармонда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг йилдан-йилга такомиллашуви ва ихчамлашуви тадбиркорлик субъектлари фаолиятига мансабдор шахслар ва давлат ҳокимияти органлари асоссиз аралашувларининг олдини олишга, бу эса ўз ўрнида кичик бизнес субъектлари сонининг ортишига ҳамда шу орқали мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан темир йўл соҳасини тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мамлакатимизда тўрт минг километрдан зиёд узунликдаги асосий темир йўлларимиз халқаро талабларга тўла жавоб беради. Айни вақтда мамлакатимизда юк ташишининг қарийб 70 фоизи, экспорт ва импорт учун юк ташиш умумий ҳажмининг эса 80 фоизи темир йўл орқали амалга ошириб келинмоқда.

Юртимизимиз Ислам Каримов таъкидлаб ўтганларидек, "Буюк ипак йўли ўтган мамлакатимиз қадим замонлардан буюн бепойён Марказий Осиё минтақасида муҳим геостратегик ўрин эгаллаб келган ва ҳозир ҳам эгаллаб келмоқда. Бу ердан азалдан асосий савдо йўллари ўтган ва кесишган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик қарор толган. Шарқ ва Ғарбни, Жануб ва Шимолни магистрал йўллар орқали туташтирган Ўзбекистон бугун ҳам улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятга эга".

Темир йўл тизимининг энг асосий қондаларидан бири хавфсиз ва кафо-

Темир йўл транспорти хавфсизлиги йўлида

латли хизмат кўрсатишдир. Мустақиллик йилларида соҳага бўлган эътибор тўғрйли бу борада улкан ислохотлар амалга оширилиб, салмоқли натижаларга эришилди. Темир йўл тизимида беқийс ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорликлар амалга оширилгани тўғрйли Ўзбекистон темир йўллари юқори технологияларга асосланган замонавий транспорт тизимига айланганини дунёдаги энг илғор мамлакатлар мутахассислари ҳам эътироф этмоқда.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллик тўйи арафасида "Afrosiyob" электропоезди ҳаракатининг йўлга қўйилганининг ўзи ушбу соҳа қандай тараққий этаётганини яққол кўрсатиб турибди. Йўловчилар учун барча қўлай хизматлар муҳайё этилган мазкур поезд соатига 280 километр тезликда ҳаракатланади.

Яқин ўтмишда ёзда иссиқ, қишда совуқ бўладиган, ойналари беҳўшвор темир панжаралар билан тўсиб ташланган поездлар йўловчиларга анча ноқулайликлар келтирар эди. Буларни ёдга олганда бугун мамлакатимизда темир йўл соҳасида эришилаётган муваффақиятлар, фуқароларга яратилаётган беқийс қўлайликлар кўламини чуқурроқ ҳис этиш мумкин.

Бундан ташқари, темир йўлларда йўловчиларнинг хавфсизлиги масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Сўнгги йилларда, дунёда транспорт тизими билан боғлиқ ҳолда содир этилаётган террорчилик ҳодисалари ҳам шунини таъкид этди. Экспертларнинг таҳлилига кўра, 40 фоиздан 70 фоизгача бўлган террорчилик ҳаракатлари транспорт восита-

Саидкамол МУХТОРОВ,
Термиз транспорт прокурори ёрдამчиси

лари орқали ёки транспортда содир этилмоқда.

Шу боис бу борада, энг аввало, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш давр талабидир. 2011 йил 8 сентябрда қучга кирган "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шу мақсадга хизмат қилади.

[Давоми 5-бетда]

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Фуқаролик жамияти ўзбошимчаликка, синфий нафратга, тоталитаризмга, зўравонликка ўрин қолдирмайдиган, қонун, ахлоқ ҳамда инсонпарварлик ва ақлолат тамойилларини барча бирдай ҳурмат қиладиган эркин, демократик, ҳуқуқий жамиятдир. Бундай жамиятда ҳар бир фуқаронинг ўз мулкига эга бўлиши, уни тасарруф қила олиши учун шахсий ёки жамоавий ҳуқуқи таъминланган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида фуқаролик жамиятининг моҳияти ҳақида қуйидагиларни айтиб ўтган эди: "Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга моделлик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўй-роҳ чиқишига қўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини камситишига йўл қўймайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади".

Фуқаролик жамияти мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида ўзининг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий-маърифий жиҳатлари ва йўналишлари бўйича амалга оширилади. Конституциявий институтлар ва фуқаролик жамияти институтлари бир-бири билан биргаликда, ўз-ўзи боғлиқликда шаклланади. Республикада фуқаролик жамиятини шакллантирувчи асосий куч сифатида унинг институтлари алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Фуқаролик жамияти институтларини улар фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича қуйидагича таснифлаш мумкин: биринчидан, иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар; иккинчидан, ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар; учинчидан, сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар ва тузилмалар.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган ҳам бу соҳа ривожига бўлган эътиборни кўрсатади.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-

техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгги йилларда "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига қўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаолиятини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Мамлакат Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, "Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимишга қўйган мақсадимиш рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболагамасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйламанки, кимгадир ўқитиб ўтиришга зарурат бўлмас керак".

Маълумки, ҳар қандай ташкилий тузилманинг моҳияти, мазмуни ва мақсади у олиб борадиган функциялар ва фаолият йўналишларида ифодаланади. Шу жумладан, жамоат ташкилотларининг функциялари ҳам уларнинг жамият ҳаётига нисбатан муайян фаолиятни амалга оширишлари орқали таъсир кўрсатишларида намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, турли шаклларда намоён бўладиган ҳамда ижтимоий воқеликнинг турли хил соҳалари юзасидан фуқароларнинг манфаатларини амалга ошириш мақсадида фаолият юритадиган жамоат ташкилотларининг функциялари ва ваколатлари мазмун-моҳиятини аниқлашдан туриб, ушбу институтнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги роли билан боғлиқ масалаларни тўлиқ ёритиш мумкин эмас.

Фикримизча, жамоат ташкилотларининг демократик ислохотлар самараси ва да-

вомийлигини таъминлаш борасидаги функцияларини қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлил этиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти ҳисобланадиган жамоат ташкилотларининг бирламчи ва асосий функцияси, уларнинг давлат ҳокимиятини муайян даражада чегаралаш, яъни давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш эканлигини эътироф этиш жоиз.

Иккинчидан, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнида сиёсий партиялар муҳим функцияларини амалга оширадиган. Сиёсий партияларнинг асосий функцияси алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига қўтариш, шунингдек, бу уйғунлашган манфаатларнинг жамият учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлаш олишдир.

Учинчидан, жамоат ташкилотларининг энг оммавий шаклларидан бири ҳисобланган касба уюшмалари жамиятнинг ижтимоий тараққиётга сезиларли даражада таъсир ўтказадилар. Таъкидлаш жоизки, ушбу институтнинг ижтимоий жараёнлардаги таъсири фақатгина меҳнат муносабатлари билан чегараланиб қолмасдан, балки ундан ҳам кенгроқ доирага қаратилган.

Ҳозирги кунда деярли барча жамоат ташкилотлари мамлакатни демократик йўналишда ривожлантириш, муайян соҳалар юзасидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш каби масалаларга ўзларининг асосий функцияларини сифатида қарамқоллар. Дарҳақиқат, айнан ушбу функцияларни амалга ошириш орқали жамоат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли ва ўрни намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддасида қайд қилинганидек, инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мамлакатдаги конституциявий тузумнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов "Янгиликлар ва ишлаш — давр талаби" асарида таъкидлаб ўтганидек, "Қонун устуворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим бўғинидир".

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний

манфаатларини жиноий тасовулардан ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти муҳим ўрин тутди. Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш борасидаги йўналишлардан бири жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасига мувофиқ, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролар ва жамоат бирлашмалари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, борасида бир қатор миллий ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлар билан тегишли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бир қатор жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликдаги чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. 2008 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти ўртасида тузилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича битимда ҳамкорлик шакллари ва бир қатор тадбирлар белгиланган.

Жумладан: — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар 6 ойда ахборот алмашиш; — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишининг олдини олиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш масалаларида маслаҳатлар ўтказиш; — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши ва ҳимояланишининг норматив-ҳуқуқий базасини ва механизмларини такомиллаштириш борасида таққиллаш-лаб чиқиш; — давра суҳбатлари, семинарлар, илмий-амалий анжуманларни ташкиллаштириш, ўтказиш ва бошқалар. Келишувга кўра, мазкур битимнинг мақсадларига эришиш учун томонлар заруриятга қараб, ўзларининг вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тузишлари мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кундаги вазиятдан келиб чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жамиятни янгилаш, фуқаролик жамиятини

Бахтиёр ПУЛАТОВ,
Бош прокуратуранинг ОУҚ
кафедра бошлиғи

шакллантириш жараёнида, фикримизча, шундай битимлар бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳам тузилиши керак. Шу боис, келгусида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш соҳасида иш олиб бораётган тегишли фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш мақсада мувофиқ бўлади.

Концепция асосида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда муҳим қадам бўлади. Мазкур қонунда ижтимоий шерикликнинг асосий йўналишлари, тамойиллари ва механизмларини қамраб оладиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари ёритилиш лозим.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсоният олдига муайян мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши ҳамда антагонизм-янги муаммоларнинг юзага келиши ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтлари фаолият йўналишларининг ўзгариб бориши, ўз-ўзидан унинг функциялари ҳам ўзгача моҳият касб этишига олиб келади. Бинобарин, фуқаролик жамияти институтлари бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнининг ажралмас ва зарурий бўғинига айланиб бормоқда. Бундай шароитда уларнинг функциялари доираси кенгайиб бориши ҳамда турли хил шаклларда намоён бўлиши объектив ҳусусиятга эга.

Фуқаролик жамияти институтларининг бош функциялари жамиятни бирлаштириш ва манфаатларини ифодалаш билан боғлиқ вазифалардан келиб чиқиш лозим. Республикаимиз Президенти Ислоҳ Каримов "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" номи асарида таъкидлаб ўтганидек, "Муҳими шундаки, қонун асосида ташкил этилган нодавлат ва жамоат ташкилотлари фақат хайрия ва мурувват муассасаларига айланб қолмасин. Тўғри, бу хайрли ишлар ҳам жамоат ташкилотлари фаолиятининг бир жиҳати, лекин асосий томони эмас. Уларнинг бош вазифаси — энг аввало, демократик кадрларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир".

Темир йўл транспорти хавфсизлиги йўлида

[Давоми. Бошланиши 3-бетда]

1999 йил 15 апрелда қабул қилинган "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида, "Йўловчилар, бағаж ва юк бағажини ташиш"га оид меъёрлар белгиланган бўлиб, унга кўра, темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар, бағаж, юк бағажини ўз вақтида манзилга етказишнинг, вокзалларда ва поездларда йўловчиларнинг хавфсизлигини, уларга хизмат кўрсатиш учун зарур қўлайликлар ва шароитлар яратишнинг, бағаж ва юк бағажининг сақланишини таъминлаш шарт. Шунингдек, унда йўловчилар поездларнинг жўнаш ва келиш вақти, йўл ҳақи, бағаж, юк бағажини ташиш ҳақи, вокзалларда жойлашган темир йўл чиптаси кассалари, сақлаш камераларининг иш вақти, йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида вақтида ишончли ахборот билан бирга темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг иши тўғрисидаги бошқа зарур ахборот билан таъминлашлари кераклиги, чипта сотиб олиш, поездда ёш болаларни олиб юриш тартиблари мавжуд.

Янги қонун асосида ушбу модда янада такомиллаштирилди. Аниқроқ айтганда, қонуннинг 12-моддасининг олтинчи қисми янги тахрирда баён этилди. Эндиликда йўловчиларнинг ҳамда темир йўл транспорти ходимларининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар вокзалга киришда белгиланган тартибда қўл юкини, бағажни кўздан кечиришда ҳамда йўловчилар ва бошқа шахсларни шахсий кўздан кечиришдан ўтказишда. Кўздан кечиришдан бош тортилган тақдирда, вокзалга кириш тақиқланади, йўловчилар эса ташишга қўйилмайди.

Кўздан кечиришни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли органларнинг рўйхати ва кўздан кечиришни ўтказиш тартиби, шунингдек, йўловчилар ва бошқа шахсларнинг вокзалларда бўлиши қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу қонуннинг 20-моддаси ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл транспорти ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш қоидаларини қамраб олган бўлса, қонунга киритилган янги 20-1-модда орқали темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар белгилаб берилди. Унга мувофиқ, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Янги қонундаги янада бир ўзгариш 26-моддага киритилган бўлиб, темир йўл транспорти корхоналарининг жавобгарлиги янада аниқлаштирилди.

Шу ўринда темир йўларда хавфсизлик масаласи нафақат қонунчилик асосида, балки амалда ҳам изчил таъминланаётганига ўхшатиб ўтиш жоиз. Жорий йилда юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездлари ўтадиган ҳудудларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бунёд этилган муҳофаза ҳудудларида умумий узунлиги 684 километр темир-бетон деворлар ва металл панжарали тўсиқларни ўрнатиш ишлари тугатилди. Шу билан бирга, темир йўл йўлакларига хавфсизликни таъминлаш мақсадида йўлларда махсус тўсиқлар ўрнатилиб, поезд ҳаракати вақтида уларни тўсиб қўйиш ва йўловчилар қатновини бир муддат тўхтатиб туриш кўзда тутилган. Тошкент - Самарқанд йўналиши бўйлаб 89 та ана шундай пиёдалар йўлгаги барпо этилди. 97 та қўриқловчи постлар қурилиб, мавжудлари таъмирдан чиқарилди.

Шу билан бирга, темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари, темир йўл хизматчилари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда Тошкент-Самарқанд темир йўл йўналишида тезорар ва юқори тезликдаги поездларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида рангли кўринишдаги эслатма ва талабномалар тайёрланиб, темир йўлларга яқин жойлашган аҳоли яшаш пунктларида истикомат қилувчи фуқароларга тарқатилди. Унда юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездлар участка йўналишига яқин жойларда санитария меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, электр тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларига қатъий риоя қилиш, темир йўл изларига поездлар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ашёларни қўйиш, шунингдек, темир йўлга, ихота дарахлари ва қор тўсиш говларига ҳамда бошқа йўл объектларига, сигнал бериш ва алоқа иншоотлари ва қурилмаларига шикаст етказмаслик каби огоҳлантурувчи талаблар кўрсатилган. Ушбу белгиланган талабларга риоя қилмаслик темир йўл тизимида ҳаракат хавфсизлиги талабларини таъминлашга тўсиқлик қилиб, фуқароларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз томонидан темир йўл соҳасида олиб борилаётган бундай ислохотлар аввало, халқимиз фаровонлиги ва тинчлиги ҳамда давлатимиз тараққиётига хизмат қилади.

Асосий омиллардан бири

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодий тизимиздаги салмоқли ҳиссаси, соҳа ва йўналишдаги ўрни билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият ва имтиёзлар яратмасдан туриб иқтисодийнинг барқарор ривожланишини тасаввур этиш қийин.

Ички бозоримизни рақобатдош ва сифати махсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири — аҳолини, авваломбор ёшларни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошириб боришига эришишда айна шу соҳани жадал сурьатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан биридир.

Статистика маълумотларидан шу нарса кўринадики, 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички махсулотларининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилга келиб бу миқдор 52 фоиздан ҳам ошиб кетди. Бу кўрсаткич 2011 йилда 54 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик базасининг яратилиши соҳани кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва ёшларни хусусий тадбиркорликка янада кенгроқ жалб этиш имконини беради. Зеро, ёш авлод келажакда иқтисодий тизимини қўлга оладиган, уни кўтарадиган асосий кучдир.

Ҳозирги кунда бошқарма томонидан асосий эътибор тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, солиқ ва валютага оид жиноятларнинг олдини олиш, уларни содир этишга сабаб бўлган шарт-шароитларга барҳам беришга қаратилмоқда.

Чунинчи, қонунчиликда ишлаб чиқариш билан яширин равишда белгиланган тартибда иш юритаётган шахслар фаолиятига барҳам бериш, уларни солиқ тўловчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш, фаолиятига қонуний тус бериш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш учун лозим бўлган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда, Президентимиз томонидан прокуратура органларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатига қарши қартилган ҳаракат сифатида кўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормаларини қўллаш вазифаси ишониб топширилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун яратилган қўлай шарт-шароитларга қарамадан баъзи фуқаролар томонидан ноқонуний фаолият юритилаётгани ачинарли ҳол, албатта.

Чунинчи, Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан "ABSOLUTE EXPRESS" МЧЖ раҳбари Д.Гуфаровнинг аризаси асосида ўтказилган таҳлил натижасида фуқаро Г.Мавлянов фуқаролар К.Атаджанов, У.Гаффаров ва бошқалар билан ўзаро олдидан тил бириктириб, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ва экспортдан тушган чет эл валютасидан мажбурий сотувни амалга оширишдан қўйиб қолганлиги 2008-2010 йиллар мобайнида "MULTITRADER" МЧЖ, "ASIA TRADERS GROUP" МЧЖ, "EVRO EXPRESS GROUP" ва "ABSOLUTE EXPRESS" МЧЖларни таъсис этган, ҳужжатларни сохталаштириб, солиқ имтиёзларини ноқонуний фойдаланганликлари маълум бўлди. Шу билан бирга, уларнинг кўп миқдорда ноқонуний даромад олиб, жиноий йўллар билан топишган бу даромадларни янгидан таъсис этилган МЧЖлар фондидан ўтказиш, фаолиятига қонуний тус бериш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш учун лозим бўлган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Г.Мавлянов "MULTITRADER" МЧЖ дирек-

Бахтиёр НОРМУМИНОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси
бўлим бошлиғи

тори, К.Атаджанов эса бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келди. "Гаффаров Зухриддин" ва "Султонов" фермер ҳўжаликлари мансабдор шахслари билан ўзаро тил бириктириб, қишлоқ ҳўжалиғи махсулотларини етиштиришни кўзламай, кўз-бўямачилик учун сохта ер ижараси шартномаларини тузиб, ушбу сохта ҳўжатларни тегишли давлат идораларига тақдим этиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарориди белгиланган имтиёзлардан ноқонуний фойдаланганлар. Янги қишлоқ ҳўжалиғи махсулотлари экспортдан тушган 2 млн. 181 минг 400 АҚШ долларидан 50 фоизли мажбурий сотувни амалга оширмасдан 1 млн. 090 минг 700 АҚШ долларини яшириб, шунингдек, 10 млрд. 400 млн. сўмлик экспортдан тушган тушумга ноқонуний солиқ имтиёзларини қўллаб, жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан бўйин товлаб, 310 млн. 500 минг сўм ноқонуний даромад олиб, жиноят содир этганликлари аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан жамиятнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланган.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, эркин, рақобатдош, ҳалол тадбиркорлик фаровонлик гаровидир. Қўпгина ҳорижий мамлакатлар тажрибасидан ҳам маълумки, бу соҳани ривожлантирмай туриб, тараққиётнинг қўзғалган марраларига эришиш қийин. Давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар ва шарт-шароитлар, хусусан, тадбиркорлар манфаатларининг қонун йўли билан муҳофаза қилиниши уларни янада самарали меҳнат қилишга, яратиш ва бунёд этишга ундаши шубҳасиз.

Пулфурӯшларнинг таноби тортилди

Қиш охирига. Офтоб хира нур сочди. Қўқон шаҳридаги "Тўзал" савдо марказининг тева-рак-атрофи одатлашдек тонг саҳралоқ гав-жум. Йўлакда турган йилит ўпан кептанларга "қоғоздан борми, алмаштираман" дея сўз қолмоқда.

— Қанчадан бўлган? — сўради нотаниш одам унинг ёнига бориб.

— Йилитрма уч-у, саккиздан оляпмиз, тўққиздан беряпмиз.

— Менга уч минг уч юз керак.

Йилит ҳаридорини четта бошлади. Харидор тах-ламни олиб, санаб чиққан, унга 3300 АҚШ долларини тутқазди.

Харидор пулни санаётганида бир неча киши улар-нинг атрофини ўраб олди.

— Холислар иштирокчида назорат харид тадбири ўт-казилиш, — улар шулай деб, ҳўжатларини кўрсатиш-ди-да, пулфурӯшини Фарғонага, СВОЖДЛҚК Департа-ментининг вилоят бошқармасига олиб кетишди.

Қўқон шаҳрининг Чинобод қўчасида яшовчи Н.Ма-даминжонов харидорга 3300 АҚШ долларини 2390 сўмдан, яъни қора бозор нарҳида 7 млн. 887 минг сўмга сотганини тани олди.

Қўқон шаҳрининг Мулкбод қўчасида яшовчи, энди 20 ёшга кирган Х.Баракабоев ҳам Н.Мадминжонов-каб жонини қойғмай пул ишлашга киришганлар-дан экан. Қонунга хилофлигини билган ҳолда валюта олиб сотиш билан шугулланган бу йилит, Департамент-нинг вилоят бошқармаси ва шаҳар бўлими ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган назорат харид тадбирида ҳар бир АҚШ долларига 2395 сўмдан нарх қўйиб сотаёт-ганида ушланди. АҚШ долларини 8 млн. 622 минг сўмга,

расмий алмаштириш курсига нисбатан 2 млн. 657 минг сўм қимматроққа пуллаб, байриқонийи фойда кўрмоқ-чи бўлган валютасурӯш айбига икор бўлиб.

Буйайдалик 38 яшар О.Имомалиев эса бундай қил-миш учун жиноий жавобгарликка тортилишини аяли билган. Била туриб, "қора бозор"лардан валюта сотиб олган ва туман маркази Янгиқўрғондаги Малайит сар-ройи рўпарасида пуллаш билан шугулланиб келган.

Харидорга валюта сотаётганида холислар иштиро-кида қўла туширилган О.Имомалиевдан 3600 АҚШ долларини ҳамда 8 млн. 838 минг сўм пул ашёвий дати-ли сифатида олинди.

Суд томонидан юқоридаги пулфурӯшларга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Амалдаги қонун ва қонуности ҳўжатлари, ҳукумат қарорларига қўра ҳорижий валюта тижорат банклари томонидан Республика марказий банки белгиланган курс-га мувофиқ эркин алмаштириб берилмоқда. Шунга қара-май, айрим фуқаролар байриқонийи савдога шарафит тузиришяпти. Бошқаримиз ходимлари бу каби жи-ноятларга чек қўйиш билан бирга қонун талабларини тарғиб қилиб, байриқонийи қўлимшларининг олди-ни олиш устида иш қўришмоқда.

Отабек СОЛИЕВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Фарғона вилоят бошқармаси бўлим инспектори

Равшан МАШАРИПОВ,
Бош прокуратура бўлим
прокурори

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Қонуни устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини қучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади".

Вояга етмаганлар ва ёшлар муаммолариغا эътиборини янада кучайтириш ҳамиша долзарб вазифа бўлиб қолиши керак. Чунки, улар жамият келажигидир. Улар қанчалик соғлом, қанчалик теран фикрли бўлиша, жамиятнинг ўз олдига қўйган максадларига эришиши осон кечади. Шу боис баркамол авлод тарбиясидак эзгу ва масъулиятли ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, қайси касб эгаси бўлишдан қатъи назар, бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўйиши зарур.



Февраль ойининг ўртталари. Эрта билан омборга келган ишчилар деворнинг тешигларини кўриб, ҳайрон бўлишди. Ичкарига кириб қарашса, 24 қоп ун гоийб бўлибди. Таниш-билишлардан сўраб-суриштиришди, аммо натижа бўлмади.

Бу пайтда эса 1 млн. 680 минг сўмлик 24 қоп ун йўловчи "Дамас" машинасига юкланиб, Денов шахрида истикомат қилувчи бир фуқарога 1 млн. 140 минг сўмга сотилиб, унинг уйига тушириб кетилган эди. Ярим кечаси уюштирилган "ун операцияси"нинг "ижодкорлари" бўлса аллақачон унни сотишдан тушган пулни ўзаро бўлиб олиб, уй-уларига тарқалишган эди.

Март ойи келгач, Азиз шерикларини яна ёнига чорлади. Бу сафар Ахрорнинг тақлифи билан Ш.Рашидов кўчасида жойлашган новвойхона яқинида пайдо бўлиб, ичкарига киришди. Бу гал унчалик омадлари чопмади. Новвойхонадан бор-йўғи 2 қоп ун билан битта DVD аппаратини олиб чиқиб, шаҳарнинг нариги четидagi бир дўкан эгасига 100 минг сўмга пуллаб юборишди.

Орадан 3-4 кун ўтгач, ярим кечаси бошқа бир новвойхонанинг деразаси орқали ичкарига кирган Ахрор, 6 қоп ун шериклари Азиз билан Мусурмонлар-

ҲАМТОВОҚЛАР



янги эгалари қўлига ўтди-ю, аммо кўп ўтмай бошқа бир шахсга 280 минг сўмга пулланди. Бу гал уларнинг сафига Асқар билан Самар ҳам қўшилган эди. 280 минг сўмнинг чўғи камлик қилди чоғи, эртасигаёқ Асқарни ёнига олиб, ярим тунда истироҳат бориб келган Азиз, чархпалакга ўрнатилган 350 минг сўмлик электр двигателни ўғирлаб чиқди-да, нотаниш бир кишига 200 минг сўмга сотиб юборди.

Чархпалакнинг двигателдан келган пул ҳеч қанчага етмади. Шунинг учун Азиз катарок ишга қўл урмоқчи бўлди. Бўлмаса-чи, иш қанча катта бўлса, тушум ҳам шунга яраша бўлади-да!

У кўп ўйлаб ўтirmай, Денов марказий деҳқон бозорига йўл олди. Режа аниқ эди. Бозор одатдагидек гавжум, сотувчи-ю, харидорлар бир-бирлари билан савдолашиб ётишибди. Азиз тўри дарвоза ёнига келиб, шу атрофда айланиб юрган йигитлардан берибга долларини алмаштирмоқчи эканлигини секин шипшитди. Мўлжални тўғри олган экан, атрофга аланг-халанг қилганча у ёқдан бўёқча юрган йигитнинг доллар алмаштирмоқ-

Рауфжон ЭШМИРЗАЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

чи эканлигини эшитиб, шу заҳоти четга бошлади-да, қанчалигини сўради.

— Онам яқинда Россиядан келган эди. Ўзи билан олиб келган 2 минг долларни алмаштирмоқчи. Нарҳини келишасак бўлди.

Йигит рози бўлгач, Азиз доллар уйда эканлигини айтиб, телефон рақамини сўради.

— Ўйга борган заҳоти, сизга кўнғирок қиламан. Сўмини менингга олиб бориб, долларларни олиб кетарсиз...

Долларчи бу шартга ҳам кўнди. Шу кунни кечки пайт Азиз унга кўнғирок қилиб, пулни олиб келишини айтган эди, нимагадир шубҳаланиб қолган йигит алланималарни баҳона қилиб келмади. Иши битмаганидан жажли чиққан Азиз уйдан пичок олиб, куртқасининг чўнтагига солди-да, яна бозор томон ошиқди. Бу сафар у учрашган йигит ҳеч нарсадан шубҳаланмай, уни машинасига ўтказиб уйи томон йўл олди.

Йўл-йўлакай хотини билан болаларини ҳам олгач, кўп ўтмай уйига етиб келишди. Ховлига киришгандан сўнг, йигит уйдан

бир даста пул олиб чиқиб, стол устига қўйди.

Пулни кўрган Азиз ростига кўчди. Уни алдагани, шунча пули йўқлигини айтиб, пулга қўл узатган эди, долларчи йигитнинг жажли чиқиб кетди.

— Нимага одамни аҳмоқ қиласан-а? Пулинг бўлмаса, нега келдинг? Чик уйимдан...

Табиийки, Азиз бундай бўлишини олдиндан билар ва ушбу ҳолатга тайёр эди. Шу боис, ўша заҳоти ёнидан пичок чиқариб, йигитга ташланди-да, бирикми марта зарба урди. Пичок дастаси қўсимдан синиб кетди. Азиз бунга аҳамият бермай, стол устида ётган пулларга ташланди-ю, чангаллаганча ташкарига отилди. Айни шу пайт ичкаридан чиққан йигитнинг хотини дод-вой кўтарди. Азиз бўлса кўчадан йўловчи машина ўшлаб, безорилар пулини олиб қўймоқчи бўлиб орқасидан қувиб келишайтганини айтиб, ўзини салонга урди. Машина шитоб билан ўрнидан қўзғалди. Долларчи йигитни касалхонага олиб келиб, ҳар қанча ҳаракат қилишган бўлса-да, ҳаётини сақлаб қолишолмади.

Айтмоқчи, март ойда Охунбобоев кўчасида жойлашган МЧЖнинг омборхонаси деворини тешиб, 53 блок турли хил пиво маҳсулотларини, орадан кўп ўтмай ушбу омборхонадан яна 20 блок пивони ўмариб кетганлар ҳам юқорида исмлари қайд этилган йигитлар эди.

Ҳар нарсанинг ҳам чегараси бўлади. Олиб борилган тезкор суриштирув ишларидан кейин ушбу гуруҳнинг фаолиятига ҳам чек қўйилди. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазога тортишларидан сўнг, йигит уйдан

ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚҚИ ЙЎҚ

Маълумки, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мустақил жамоат бирлашмаси бўлиб, инсонпарварлик, меҳр-муруват ғояларини тарғиб этиш ҳамда одамларга ҳолис ёрдам кўрсатиш, шунингдек, гуманитар фаолият ва ижтимоий соҳада давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларига қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Мана неча йилларки, маъруз тарғибот юртимизда самарали фаолият юритиб келмоқда. Бироқ минг афсуски, мана шундай ташкилот мутасаддилари орасида ҳам ноқонуний ишларга қўл урганлар учраб турар экан. Қуйида 2006 йилдан буён Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти раиси лавозимида ишлаб келган Маннон Раҳимов томонидан содир этилган ноқонуний ишлар тафсилютига тўхталиб ўтамиз.

Маннон Раҳимов жамиятнинг ижрочи директори Эленора Таджибаева билан тил бириктирган ҳолда 2006-2009 йиллар давомида ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши ва ҳўжалик соҳасида бир қатор жиноятлар содир этган.

Жумладан, мана шу йиллар ичида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан бир қанча матбаа корхоналари билан шартномалар тузилиб, жамиятнинг нашр маҳсулотлари тайёрланган. Бунинг ҳеч қандай ноқонуний жиҳати йўқдай қўринадди. Жамият Низомининг 2.3-моддасида ҳам жамиятнинг оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш, тегишли лицензия олингандан сўнг наشريёт ва ташвиқот фаолиятини амалга ошириш, услубий, маърифий, ҳуқуқий, экологик ва бошқа ахборотларни чоп этиш ва тарқатиш мумкинлиги белгиланган. Жамият нашрлари, яъни брошюра ва бюллетенлар жамиятнинг минтақавий ташкилотлари, туман ва шаҳарлардаги филиалларида, шунингдек, қўшма дастурлар ва акцияларга асосан бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларига тарқатилган. Яъни ноширлик фаолияти учун тегишли лицензияга эга бўлмай туриб, бу босма нашрлар жамиятдан ташқарига ҳам тарқатилган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2009 йил 27 июль кунги тақдирномасига қўра маъруз нашр маҳсулотларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги ва "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунлари, "Амалга

оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги Олий Мажлис Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, техник стандартларга амал қилинмаган.

Шунингдек, М.Раҳимов масъул мансабдор шахс бўла туриб, тегишли лицензияга эга бўлмаган ХТ "Шарафутдинов Рамил Ҳасанович" билан ноширлик ва нашрларни чоп этиш фаолиятини амалга оширган.

Булар ҳали масаланинг бир жиҳати. Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетини халқаро журналистика факультетининг тил ва адабиёт кафедраси, Тошкент Давлат Педагогика университети ва Ўзбекистон Давлат Санъат институтини мутахассислари томонидан ўтказилган дидактик, адабиётшунослик, санъатшунослик, публицистика ва психологик комплекс экспертиза хулосасига қўра, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан чоп этишга бюуртма берилган ўзбек ва рус тилларидаги бир қатор нашрлар "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари талабларига мос эмаслиги кўрсатилган.

Мисол учун, жамият томонидан чоп этилган ВИЧ/ОИТС муаммоларига бағишланган босма материалларда ушбу материаллар мазмунини етказиб беришда бизнинг миллий менталитетимизга мос келмайдиган ҳолатлар ҳам бор. Буклетларда болалар фильmlаридида қаҳрамонлар катта ёшлар шахсий гигиенаси предметлари билан тасвирланганини ёшлар қандай

Шерали КУЧКАРОВ,
Яккасарой туман прокурори
вазифасини бажарувчи

тушуниши мумкин? Рекламa сифатидамми?

"ОИТС ҳақида бил ва бошқаларга ҳа сўзлаб бер" плакатидagi расмлар психология, педагогиканинг ёшга доир, маънавий ва этнопсихологик талабларига мутлақо жавоб бермайди. Уларда халқимизнинг миллий менталитети, маънавий хусусиятлари инобатга олинмаган. Уларни ёшлар учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия қилиб бўлмайди. Юмшққ қилиб айтганда, бу миллий менталитетимизга нисбатан ҳурматсизликдан бошқа нарсa эмас.

"Тўғри ва хавфсиз" ("Правильно и безопасно") шиори билан чоп этилган плакат олдида булар ҳолва экан. Бу плакатда жинсий муносабат ҳолати тасвирлангани ва бу ҳақда сўз юритилганини қандай тушуниш мумкин? Плакатда битилган сўзлар шарм-сизликдан бундан ҳам ошиб тушади. Бир сўз билан айтганда, уларда ахлоқсизлик тарғиб қилинган.

Халқимиз минг йиллар давомида шаклланган маънавий қадриятларига, одоб-ахлоқ меъзолиларига эга. Бизнинг халқимиз ҳар қандай шароитда ҳам шарм-ҳаёни, ахлоқни устун билади. Бизнинг табииатимиз шундаки. Ўзгичимиз асрлар давомида шаклланган ана шундай қадриятларга асосланган. Уларга дахл қилишга, белансидан муносабатда бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Раис М.Раҳимов бунинг тушунишни истамасдан экан, наҳотки, нуфузли бир ташкилотда бунга эътибор қаратадиган биронта ходим топилмаган бўлса? Хориж нашрларидан кўр-кўрона нусха олиш, уларга тақлид қилиш ўрнига масалалар ижодий ёндашиш, халқимизнинг табиати, урф-одатларини инобатга олган тарзда иш олиб бориш тўғри бўлмайdimи?

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг ҳукми билан М.Раҳимов айбдор деб топилиб, Олий Мажлис Сенатининг Амнистия тўғрисидаги қарорига асосан тайинланиши лозим бўлган жазодан озод қилинди.

Ота изидан...

Бахтиёр УСМОНАЛИЕВ,

Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Аллоҳ томонидан инсонга берилган энг буюк неъматлардан бири шубҳасиз саломатлик ҳисобланади. Бу оддий ҳақиқатни ёш бола ҳам билган бир вақтда, афсуски, айрим ҳаюмюртларимиз эсдан чиқариб қўймоқдалар.

Биргина мисол, тиббиёт коллежининг 3-босқич талабаси Ф.Туратовга нима етмасди? Эндигина 19 ёшни қоралаган бу йигитча танлаган касбига қўшимча равишда яна бир "соҳа"нинг ҳам бошини тутмоқчи бўлган экан. Ваҳоланки, у коллеждаги ўқиши давомида гиёҳвандлик воситаларини сотиш нафақат жиноят эканлиги, балки уни истеъмол қилганларнинг соғлиғи ҳам хавф остида қолишини жуда яхши биларди. Аммо... Ф.Туратов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан гиёҳвандлик воситаларининг олди-сотдиси билан боғлиқ ўтказилган тезкор тадбирда ашёвий далил билан ҳибсга олинди.

Албатта, унинг бу йўлни танлашига оилавий муҳитнинг ҳам таъсири катта бўлган. Ф.Туратовнинг отаси 2009 йилда айнан шундай жиноятга қўл уриб, 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эди. Афсуски, ўғил бундан етарли хулоса чиқармади. Целлофан қоғозга ўралган "героин" воситасини 160 минг сўмга сотган вақтда ушланди.

Шунингдек, унинг уйи қўздан кечирилганда, ертўладан полиэтилен пакетда оқ рангли порошоксимон, яна бир шундай пакетда эса, қўқимтир рангли усимилкининг қурилтилан баргларини ҳамда дафтар варағига ўралган қўқимтир рангдagi гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда топилиб.

Суд-кимёвий экспертизасининг хулосасига қўра, Ф.Туратовнинг уйдан топилган моддалардан бири "героин" гиёҳвандлик моддаси бўлиб, вазни 1406,67 грамм, иккинчиси эса эса 7,5 грамм "кўкнор усимлиги пўчқалари" ҳамда 1,2 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситаси эканлиги қайд этилган.

Начора, "олма тағига олма тушади", деганларидек, отанинг касри ўғлига уриб, у ҳам жиноят йўлига кирган отасига эргашди. Оқибатда эса...

Суд томонидан Ф.Туратовга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Республикаимизда кўплаб хорижий ва қўшма корхоналар ташкил этилгани, уларнинг самарали фаолият юритиб келаётгани аввало, яратилган қўлай инвестициявий муҳит, тинч ва барқарор вазият натижасидир. Бироқ, ишбилармонликни ўзига ниқоб қилган, жамияттаги мавжуд қонун-қоидаларни ўзига алоқадор эмас деб билган айрим "бизнесмен"лар ҳам учраб турибдики, уларнинг ноқонуний қилмишлари билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Қонун барчага баробар бунни унутган хорижлик «ишбилармонлар»нинг қилмишлари хусусида



Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
биринчи ўринбосари

2010 йилнинг 11 ноябрида Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан "Olimpia Global Invest" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси ва "Polat AS" қўшма корхонаси ўртасидаги молиявий алоқалар юзасидан ўтказилган қарама-қарши текшириш давомида "Olimpia Global Invest" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси раҳбари Ийлмаз Мемдўх, бош ҳисобчи Н.Дадамирзаева, "Polat AS" қўшма корхонаси раҳбари Караяка Аднан, корхона бош ҳисобчиси О.Шамсутдиноваларнинг анча-мунча қингирилганда қўл уриб келишгани аниқланган.

Санаб ўтилган шахслар ўзаро тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунарга зид равишда товар олиб кириш, давлат томонидан белгиланган солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумот ва ёзувлар киритиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш каби жиноятларни содир этганлар.

Турган гапки, пойтахтимизда анча йиллар фаолият юритган, ўзига яраша нуфузга эга бўлган мазкур хориж корхоналари масъул ходимлари томонидан содир этилган иқтисодий жиноятлар тафсилоти ҳеч қандай бефарқ қолдирмайди. Куйида уларнинг ноқонуний қилмишларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

"Olimpia Global Invest" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси раҳбари Ийлмаз Мемдўх, корхона бош ҳисобчиси Н.Дадамирзаева, "Polat AS" қўшма корхонасининг раҳбари Караяка Аднан ва бош ҳисобчиси О.Шамсутдинова, маркетинг бўлими бошлиғи Ашқин Зеке-рие ва бошқалардан иборат бўлган уюшган ғуруҳ томонидан ўзаро жиноий тил бириктирилиб, иккиламчи бухгалтерия ҳужжатлари юритиб келинган. Ушбу ҳужжатлар иккала корхона томонидан ўзларининг бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирилмасдан, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан очик ўтказиб олиб келинган 33 млн. 784 минг 200 сўмлик салфеткаларни нақд пулга "Olimpia Global Invest" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасининг Миробод тумани Ота-турк кўчаси 1-уйда жойлашган "Mir Store" супермаркетига савдо залида сотувга чиқаришган. Савдодан тушган нақд пуллари нозорат касса машинасида ўтказиш ва банк

муассасасига инкассация қилишни ўзларига эп қўришмай, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қискартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузишган.

Кейинчалик мазкур 33 млн. 784 минг 200 сўм нақд пул маблағлари Ийлмаз Мемдўх, Н.Дадамирзаева, "Polat AS" қўшма корхонаси раҳбари Караяка Аднан, бош ҳисобчи О.Шамсутдинова, маркетинг бўлими бошлиғи Ашқин Зеке-рие ва бошқалар томонидан легаллаштирилган.

Текширишда Ийлмаз Мемдўх, Н.Дадамирзаева ва бошқалар ўзаро тил бириктириб, 2009 йил мобайнида 1 млн. 285 минг 500 сўмлик, 2010 йилда 509 200 сўмлик савдодан тушган нақд пуллари банкка топширмасдан, ушбу маблағларни ҳисоботларда кўрсатмай, корхона даромадини яширишган. Давлатга тўла-ниши лозим бўлган солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, мазкур пул маблағлари легаллаштирилган.

2010 йилнинг 7 январидан "Oziq Ovqat Mollari" ОАЖ Республика иxtisoslashtirilgan улгуржи базаси раҳбари Н.Аҳмеджанов ва "Olimpia Global Invest" раҳбари Ийлмаз Мемдўх ўртасида 7/02-сонли қарз шартномаси тuzилган. Қарз шартномаси миқдори 1 млрд. 175 млн. сўмни ташкил этиб, қарзни қайтариш муддати бир йил қилиб белгиланган. Шартномага асосан "Olimpia Global Invest" МЧЖ томонидан "Oziq Ovqat Mollari" ОАЖ Республика иxtisoslashtirilgan улгуржи базасининг ҳисоб-рақамига 2010 йилнинг 8 январидан 1 млрд. 175 млн. сўм маблағ ўтказиб берилган. Мазкур пул маблағлари Н.Аҳмеджанов, Ийлмаз Мемдўх ва бошқалар билан олдиндан тил бириктирилиб, оффшор зонадаги корхонага ўтказиб юборилган.

2010 йилнинг 18 мартда "Olimpia Global Invest" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси, "Oziq Ovqat Mollari" ОАЖ Республика иxtisoslashtirilgan улгуржи базаси ва "Технокомплекс фэйз" МЧЖ ўртасида бир-биридаги қарздорликни ўтказиш ҳақида шартнома тuzилган. Лекин Olimpia Global Invest" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси ва "Технокомплекс фэйз" МЧЖ ўртасида ҳеч қандай қарздорлик бўлмаган. Натияжада 1 млрд. 175 млн. сўм пул маблағлари Ийлмаз Мемдўх, корхона норасмий таъсисчиси Исмаилов Экинжи, Н.Аҳмеджанов, "Технокомплекс фэйз" МЧЖ

мансабдор шахслари томонидан нақдлаштирилган.

Шунингдек, Ийлмаз Мемдўх, Н.Дадамирзаева ва бошқалар ўзаро жиноий тил бириктириб, нақд пулга сотиб олинган, кириш ҳужжати ва сифат сертификати мавжуд бўлмаган 466 млн. 417 минг 900 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини гўёки бир неча корхоналардан пул кўчириш йўли билан сотиб олинганлиги ҳақида сохта ҳужжатларни расмийлаштирилган. Аслида ушбу ҳужжатли юритувчи субъектлар томонидан "Olimpia Global Invest" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасига ҳеч қандай товар моддий бойликлари етказиб берилмаган. Тушуниб турганингиздай, кейинчалик ушбу 466 млн. 417 минг 900 сўм пул маблағлари ҳам нақдлаштирилган ва ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиниб, легаллаштирилган.

Ийлмаз Мемдўх, Н.Дадамирзаева, омбор мудири Догру Ариф ва бошқалар ўзаро тил бириктириб, 2010 йил январь ойидан 2010 йил ноябр-га қадар бўлган даврда жами 1 млрд. 392 млн. сўмлик ҳўл мева ва полз маҳсулотларини "Олой бозори"дан нақд пуллarga сотиб олиб келиб, "Mir Store" супермаркет савдо залига савдога чиқаришган. Савдодан тушган нақд пуллари банкка инкассация қилинмаган, бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирилмаган. Бу билан Ийлмаз Мемдўх, Н.Дадамирзаева ва Догру Арифлар 1 млрд. 392 млн. сўмлик сотилган товар моддий бойликларидан тўланиши лозим бўлган жами 55 млн. 680 минг сўмлик солиқларни қасддан тўламасдан, давлат бюджетига жуда кўп миқдорда зарар етказганлар.

Улар томонидан ноқонуний даромад олиш ва солиқларни қасддан тўламаслик мақсадида иккиламчи бухгалтерия юритилиб, 2010 йил давомида 870 млн. 576 минг 900 сўмлик озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларини сотишдан тушган нақд пуллари банкка инкассация қилмаслик, бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирмаслик йўли билан тўланиши лозим бўлган 34 млн. 823 минг 100 сўмлик солиқларни тўламасдан, давлат бюджетига жуда кўп миқдорда зарар етказишган.

"Olimpia Global Invest" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасига ўтказилган ҳужжатли текшириш давомида товар моддий бойликлар санокдан ўтказилганда, 1 млрд. 715 млн. 876 минг 500 сўмлик кириш ҳужжатлари бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-га қонуний олиб кирилганли-

гини тасдиқловчи божхона юк декларацияси, мувофиқлик сертификатлари, юк хатлари бўлмаган маҳсулотлар борлиги аниқланган. Бундай "тадбиркорлик" билан улар мазкур импорт маҳсулотларидан 20 фоиз давлат бож (343 млн. 175 минг 300 сўм) ва 20 фоиз қўшимча қиймат солиғи (411 млн. 810 минг 400), жами 853 млн. 820 минг 200 сўмлик давлат бож ва солиқларни тўла-маслигининг уйдасидан чиқишган.

Шу билан бир вақтда, 2 млрд. 470 млн. 862 минг 200 сўм қийматдаги ушбу товарлар бухгалтерия ҳисоботларида акс эттирилмаган ва тўла-ниши лозим бўлган 98 млн. 834 минг 500 сўм ягона солиқ-ни тўлашдан қасддан бўйин товланган.

Текшириш жараёнида "Olimpia Global Invest" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона-си омборларида 610 млн. 868 минг 700 сўмлик товар моддий бойликлари камомати аниқ-ланган. Маълум бўлишича, Ийлмаз Мемдўх, Н.Дадамирзаева ҳамда Догру Ариф ва бошқалар ўзаро тил бирикти-риб, 610 млн. 868 минг 700 сўмлик товар моддий бойлик-ларини нақд пулга сотишиб, савдодан тушган нақд пуллари банкка топширилмасдан, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиниб, легаллаш-тирилган.

"Olimpia Global Invest" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона-си номига 2011 йилнинг январь ойида шартномалар асо-сида Ўзбекистон Республика-си ҳудудида 101,2 тонна умий қиймати 128.455,75 АҚШ доллар миқдоридаги товар моддий бойликлар олиб ки-рилган. Аммо корхона ман-сабдорлари импорт қилинган товар моддий бойликларни учун 471 млн. 83 минг 560 сўм миқдоридаги божхона тўло-варини тўлашдан бўйин то-вланганлар.

2010 йилнинг 28 октябрида Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ходимлари то-монидан Тошкент шаҳар Чи-лонзор туман 2-мавзе, Гагарин кўчаси, 11-уйда жойлашган "Polat AS" қўшма корхонасида ўтказилган қисқа муддатли текширувда, "Polat AS" қўшма корхонаси раҳбари Караяка Аднан, корхона бош ҳисобчи-си О.Шамсутдинова, марке-тинг бўлими бошлиғи Ашқин Зеке-риелар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, кириш ҳужжатлари бўлмаган 15 тур-дан иборат 1 млн. 697 минг 350 сўмлик ноозик-овқат мол-ларини божхона қоидаларини очикдан-очик бузган ҳолда ўтказиб, Гагарин кўчаси 11-уйда жойлашган "Polat AS" қўшма корхонасининг дўкони-

да савдога қўйганликлари аниқланган.

Бундан ташқари, мазкур текширувда, "Polat AS" қўшма корхонасига қарашли савдо дўконида, савдодан тушган нақд пуллари санокдан ўтказилганда 152.010 сўм нақд пул нозорат касса машинасига хотирасига киритилмаганлиги аниқланган. "Polat AS" қўшма корхонаси биносидида сану-зелдан савдодан тушган, аммо нозорат касса машина-сига киритилмаган 22 млн. 550 минг сўм нақд пул топи-лан ва вақтинчалик олиб қўйилган.

"Polat AS" қўшма корхона-си раҳбари Караяка Аднан, корхона бош ҳисобчиси О.Шамсутдинова, маркетинг бўлими бошлиғи Ашқин Зе-ке-риелар олдиндан ўзаро жи-ноий тил бириктириб, "Polat AS" қўшма корхонасига те-гишли 67 млн. 539 минг 800 сўмлик ҳисоб-фактураларни бухгалтерия ҳисобидан ўтказ-масдан, уларда қайд этилган ноозик-овқат маҳсулотлари-ни нақд пулга сотиб юбориш-ган. Савдодан тушган нақд пуллари нозорат касса ма-шинаси хотирасига киритиш ва банкка инкассация қилиш ўрнига легаллаштириб қўя қолшган.

"Polat AS" қўшма корхона-сида ўтказилган ҳужжатли текширишда товар моддий бойликлар санокдан ўтказилганда, хом ашё ва тайёр маҳсулотлар бўйича 325 087 сўм камомат ва 801 578 сўмлик кириш ҳужжатлари бўлмаган ортиқча товарлар аниқланган.

Шунингдек, "Polat AS" қўшма корхонаси раҳбари Караяка Аднан, корхона бош ҳисобчиси О.Шамсутдинова билан олдиндан тил бирикти-риб 2010 йил 9 ойлиги учун Давлат солиқ инспекциясига топшириладиган ҳисоботлар-га, корхона фаолияти бўйича ялпи тушум миқдорини 145 млн. 714 минг 300 сўмга ка-майитириб кўрсатиб, 7 млн. 140 минг сўмлик ягона солиқ тўло-вини тўлашдан қасддан бўйин товланганлар.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судида Тур-кия Республикаси фуқарола-ри Ийлмаз Мемдўх, Караяка Аднан, Ашқин Закарие, улар-нинг жиноятларига шерик бўлган юртдошларимиз Ниго-ра Дадамирзаева, Озода Шам-сутдиновалар томонидан со-дир этилган жиноятлар қўриб қиқилди. Суд ҳукми билан ай-бдорлар жиноятларига яраша жазо олишди.

Одил суд ҳукми бу юртда қонуналар устувор экани ва унга барча бирдек амал қили-ши лозимлигини яна бир бор эслатиб қўйди. Юртимизга ҳамкорлик қўлини чўзганлар бунни унутмасалар, юзлари ёруғ бўлиб, ишлари ҳам баро-ридан келади.

"Куза кунда эмас, кунда синди", деганлари рост чиқди. Минибанк бошқарувчиси К.Искандарова билан "Наврўзбояра Райхон" фирмаси бошлиғи Р.Наврўзбоеваларнинг жиний ишлари фош бўлди. "Сиздан угина, биздан бугина", деб иш юритган иккала мансабдор шахсининг фуқаролар Замира Сейтова, Зивархон Тиловбоева ва Венера Аяловларга нақд пул бермай, нақд пул йўдея, суммаси кўрсатилмаган чек бериб, устама нархда оқ-оқат махсулотларини бериб турганликлари аниқланди. Шу йўсунда улар томонидан 2,5 млн. сўмлик пуллар ўзлаштирилган. Айбдорлар қонундаги жавоб берилди.

Кўҳна ва машҳур университетлар



"Илм саҳрода — дўст, ҳаёт йўлида — танч, ёлғизлик дамларида — йўлдош, бахтиёр дақиқаларда — раҳбар, қай-гули онларда — мададкор, одамлар орасида — зеби-зийнат, душманларга қарши қурашда — қуролидир", деган экан донишмандлардан бири. Чиндан ҳам эгалланган илм инсонга ҳаётда ўз йўлини танлашда, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Ҳадис китобларимизда ҳам "Бешиқдан то қабргача илм изланг!" — дея беҳиз айтилмаган. Аслида барчамиз дунёни илм орқали таниймиш, билимлар орқали касб эгаси бўламиз, илм орқали таниламиз... Узулқуш, турли мулоқотлар жараёнида эса дунёқарашимиз шаклланади, ўсамиз. Хуллас, илмга ихлос бўлса, барчаси ўзимизнинг фойдамизга. Илзанишларимиз йўлида эса олий таълимнинг, олий-гоҳларнинг алоҳида ўрни бор.

Олий таълим жараёни гуё катта ҳаёт бўсағасидаги кўп-риққа ўхшайди. Йўл қанчалар тўри танланса, давоми ҳа-шунчалар мазмунли бўлади. «Нобель» ҳалқаро мукофоти тақдими то маросимиде лауре-атлардан бири мукофотни қабул қила туриб, шундай де-ган эди: «Менга топширилган ушбу мукофот учун ҳаётимнинг тенгсиз ва сермазмун йилла-ри кечган "жаннат" — илм жан-нати — Гарварддан миннатдор-ман. Аслида университетим мени кашф этди, улғайтирди, иқтидоримни очди. Мен бу жаннатнинг билимлар уммони-да шўғундим. Ана шу илмлар сабаб мен ҳаётим давомида мукофот ва мукофотчаларни кўлга киришиб аяяяман».

Гап дунё миқёсидан салмоқли ўрин тутган университет ҳақида борар экан, қуйида ўзининг тарихий "афсона"лари билан донг таратган жаҳонга машҳур университетлар борасидаги маълумотларга тўхталмай илоҳимиз йўқ.

Дарвоқе, сиз ҳеч чет эл олийгоҳида таҳсил олиш ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?! Агар шундай бўлса, кўйидаги маълумотлар сиз учун айти муддао бўлишига ишонамиз.

ГАРВАРД университети, (АҚШ) — Энг кўп миллиардерлар ўқиган университет.

Гарвард АКШнинг энг кўхна университетларидадан бири бўлиб, 1636 йилда ташкил топган. Олийгоҳнинг энг оммабоп бўлимлари — тиббиёт, ҳуқуқ ва иқтисод бўлимларидир. Уқув юртининг зоология, археология, ва геология бўйича шахсий музейлари бор. Камёб китоб ва кўлёмзаларни ўзига бирлаштирган дунёдаги энг катта илмий кутубхона ҳам айнан шурда жойлашган. Гарвардинг 30 дан ортиқ битирувчилари "Нобель" мукофоти совриндорлари ҳисобланади. Долаверса, бу кўхна даргоҳда АКШнинг қатор президентлари, жумладан:

Франклин Рузвельт, Джон Кеннеди, Генри Киссинджер, Барак Обама, шунингдек, дунёга машҳур сибаст ва бизнес олами вакиллари Самнер Редстоун, Девид Рокфеллер қабили тарҳис олишган. Ҳар йили университетда АҚШнинг барча ҳудудларида ва дунёнинг юздан ортқ мамлакатларидан келган 18 мин нафар талабала тарҳис олади. Уқш нарҳи йилига 42 мин АҚШ доллари-ни тарҳис этади.

Ана шу жиҳатлари билан Гарвард университети бутун дунёда ҳеч бир эътирозларсиз етакчи университет сифатида биринчи ўринни эгаллаб кел-моқда.

Кембридж университети,
Буюк Британия

Кадымийлиги жихатидан дунёда 2-урини эгалловчи Кембридж университетига 1209-йылда асос солинган. Бугунки кунга кадар "Нобель" мукофоти лауреатлари сони буйича, хали дунёнинг хеч кайси олий укуви юрти ундан узиб кета олмай аян юк. Мукофотнинг турли йуналишлари буйича 100 янги айдан Кембридж битирувчиларига тегишлидир. Олийгох тартыбга 100 дан ортык буйым ва турли йуналишлардаги 30 та коллеж киради. Уларда асосан ижтимоий соҳадагы мутахасисликлар етакчилик қылады. Кембриджда йылга 7 фойз охрихликлардан иборат 17 минг талаба таълим олады.

Оксфорд университети,
Буюк Британия

Дунёга машҳур маъруф илм даражаси ўзининг фан, адабиёт, санъат оламининг таниқли вакиллари бўлган Роджер Бэкон, Оскар Уайлд, Джонатан Свифт, Адам Смит, Д.Р.Толкин, Маргарет Тетчер каби қўлбал факхли битирувчилари билан машҳур. Оксфорд 1096-1167 йилларда тўлиқ ташкил топган. Уша вақтларда Францияда бўлиб ўтган ислохотлар натижасида инглиз талабаларининг Парижда ўқиши келас қўйлади. Оқибатда хорижлик инглиззоаб талабалар Париж университетида кетишга мажбур бўлишди. Аммо бунга

қарангки, ушбу кўнгилсизлик
жаҳонга машҳур мазкур ўқув
даргоҳига асос солинишига са-
баб бўлади.

Хозирда университет таркибига 39 та мустақил коллеж ва коллеж мақомига эга бўлмаган диний жамоаларга тегишли 7 та ўқув юртлари кирди. Хар йили Оксфордда 20 мингдан ортиқ талабага 4 мингга яқин профессор-ўқитувчилар таълим берадилар. Ҳукуматчилар орасида Британия Фанлар Академияси, шунингдек, Кироллик жамияти аъзоларининг ҳам борлиги университет мавқеига ва энг муҳими таълим сифатига алоҳида таъсир кўрсатади. Университетдаги таълим жараёнида ўзига хос "тютюрлик" тизими — хар бир талабага танланган ихтисослик бўйича алоҳида шахсий мутахассис-ўқитувчи бириктирилиши жорий этилган.

Оксфорд дунё микёсида нафақат илм даргоҳи, шу билан бирга, йирик илмий-тадқиқот маркази сифатида ҳам алоҳида эътироф этилади. Университетнинг 100 дан ортиқ кутубхона ва 300 дан ортиқ тўғрақлари, музейлари ва наشري талабалар ихтиёрида.

Буну қарангки, 1920 йилдан кейингина аёллар Оксфордда ўқишга қабул қилина бошланган. 70-йилдан бошлаб эса аёллар ва эркекларнинг алоҳида ажралиб ўқишларига чек қўйилди.

Гейдельберг университети,
Германия

Гейдельберг XIV асрда Германиянинг Гейдельберг шаҳрида диний билимларни ўқитишга ихтисослашган ўқув юрти сифатида ташкил топган. XIX асрдан бошлаб университетни давлат молиялаштирила бошлади, ва реконструкция қилиниб, ўқув тизимида ҳам маълум ўзгаришлар қилинади.

Гейдельберг университети Германияда биринчилардан бўлиб, халқаро мақомга эга бўлган ва ҳозирда бир неча давлатларда ўз филиалларига эга. Университетда юриспруденция ва ҳуқуқ, иқтисод, фалсафа, технология, биология, нейробиология, физика ва астрономия, антропология ва маданиятшунослик каби 15 та факультет фаолият олиб боради. Университетнинг энг кучли факультетлари сифатида тиббиёт ва юриспруденция тан олинган.

Хорижлик талабалар талабалар умумий сонининг 15 фоизини ташкил этади. Университетда ўқш нархлари бошқа Европа университетларига нисбатан арзон, ammo кириш имтихонлари ҳақиқий немигусулида ўтказилади ва ўқув жараёнида ҳам шу принцип етакчилик қилади.

Гейдельберг университетида Д.Менделеев, Э.Ауэрбах, Людвиг Кох, А.Вебер, Эрих Фромм, К.Ясперс каби таниқли илм-фан, маданият вакиллари, «Нобель» мукофоти лауреатлари, шунингдек, Германиянинг федерал канцлери Гельмут Коль ҳам тахсил олишган.

Университет Германиянинг Гейдельберг шаҳрида жойлашган бўлиб, биноти қадимий қасрларни эслатади. Шу боис Германияга келган сайёҳлар

Баргида МҶМИНЖОНОВА,
«Нуга»

нинг энг севимли жойларидан бири айнан Гейдельберг университети ҳисобланади.

Пиза университети,
Италия

Пиза университетини Европа университетлари орасида Узининг кадимийлиги ва маърифат жиҳатидан юқори ўринларни эгаллайди. Номидан ҳам маълумки, ўқув юрти Италиянинг Пиза шаҳрида жойлашган бўлиб, ҳудуди жиҳатидан шаҳарнинг асосий қисmini эгаллайди. Университет расман 1343 йилда иш бошлаган бўлса-да, XI асрдаёқ бу ерда юриспруденция бўйича маърузалар ўтказиларди. Ҳозирда Пиза таркибида 11 та факультет ва 56 та бўлим қиради. Факультетларда санъат, иқтисод, ҳуқуқий тиллар ва адабиёт, ҳуқуқшунослик ва юриспруденция

хуқуқшунослик ва юриспруденция, тиббиёт ва хирургия, сиёсий фанлар, ветеренария ҳамда фармацевтика каби соҳалар бўйича таълим берилди. Университетда ҳозирда 48 минг талаба таҳсил олади. Хорижий тиллар ва адабиёт факультетидан ташқари барча факультет ва бўлимларда дарслар италян тилида олиб борилади. Пизада ўқув жараёнида замонавий технологиялар билан бир қаторда ўрта асрлар ўқув тизими услубларида ҳам кенг фойдаланилади. Кўпчилик италян ёшлари, шунингдек, европалик кўплаб йигит-қизлар Пизада ўқишга интилар экан. Бунинг асосий сабабларида бири университет: Европа Иттифокнинг, АКШ Япония, Австралия, Швейцария каби мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртлири ва йирик компаниялари билан ҳам қорлик муносабатларини олиб боради. Италия, қолаверса Европанинг энг машҳур компаниялари эшиклари Пиза бири турувчилари учун ҳамisha очик. Шу боис Европада университетнинг макёи ҳамisha юкори

Сорбонна университети,
Франция

Сорбонна университетига расман XIII аср бошлари, аниқроғи 1215 йилда Сена кироғидига бир қанча коллежларни бирлаштириш натижасида асос солинди. 1255 йилда ўқув юрти қошида камбағаллар учун хайрия коллежи яратилди. Шундан сўнг ўқув юртида "қайта қуриш" ишлари ўтказилиб, ўқув юртига расман университет мақоми берилди ва у Сорбонна деб атала бошлади.

1470 йилда Сорбоннада библиограф Париж басмохонаси очилганини маълум қилиши муносабати билан янги кутубхона учун алоҳида бина қурилади. Бугунги кунгача унинг университет талабалари ана шундай кутубхонада саклибни келтириб бериб келинган ноб қўлзмалар ва китоблардан фойдаланадилар. Университет ўқув тизимидан келиб чиқиб, талабалар асосий вақтини муқтақил ишлаш билан лабораториялар ва тадқиқот марказларида ўтказишади. Университетда маданият, фан, тиббиёт, ижтимоий ҳамда иқтисодий йўналишлар етакчи

лик қилади.

Бошқа олий ўқув юртрлардан фарқли ўларок, Сорбоннада ўқиш нисбатан осонрок, яъни ўқиш нархи йилига 250 евродан 1000 еврогача. Яна бир кулайлиги, хорижлик талабалар ўқиш тўловларини стипендия орқали ҳам амалга оширишлари мўмкин.

Токио университети,
Япония

Токио миллий университети-
та 1877 йилда асос солин-
ган ва 1949 йилгача универ-
ситет "Император университети-
ти" мақомига эга бўлган. Ас-
лида университет 1790 йилда
ташқил топган Конфуций таъ-
лимотини ўрганишга йўналти-
рилган Сохэйко, 1855 йилда
асос солинган гарб мадания-
тини ўрганишга ихтисослашти-
рилган Кайсэйго ва 1863 йил-
да ташқил топган тиббиёт ил-
мига йўналтирилган Игасуо
ўқув юрларининг бирлашиши
натijasида яратилган.

Олийгоҳда илм, фан, маданият, технологиянинг барча йўналишлари бўйича факультетлар мавжуд бўлиб, уларда таълим оладиган талабаларнинг 20 фоизини хорижий ёшлар ташкил этади. Университет таркибида фазовий нурларни ўрганадиган йirik лаборатория, зилзала, ядровий тадқиқотлар, қаттиқ жисملар физикаси, амалий микробиология, саноат, журналистика, тиббиёт илми, космос ва аэронавтика, океаншунослик, шарқшунослик каби соҳаларни ўрганишга ихтисослаштирилган кўплаб институтлар мавжуд.

Токио университети ҳар жиҳатдан бойлиги билан юксак мактаб ва обрўга эга. Университет ўқитувчиларининг 40-45 фоизи профессорлардан иборат, қолаверса, олийгоҳнинг йирик илмий кутубхонаси ҳам унинг афзалликларидан бири. Сифатида эътироф этилади.

Токио университетининг эътиборга молик жиҳатларидан яна бири, ҳар йили университет битирувчиларининг 90 фоиздан ортиғи эғаллаган мутахассисликлари бўйича давлат ва жамият ҳаётида муносиб ўринларни эғаллайди. Буни эса ҳар томонлама эътирофга лойик ютук дея ҳисоблаш мумкин.

Цинхуа университети,
Хитой

Цинхуа дунёнинг машҳур университетлари қаторидан жой олиши билан бирга Хитойда биринчи рақамли университет ҳисобланади. Мазкур олий таълим даргоҳига 1911 йилда асос солинган бўлиб, техника мутахассисликларига ихтисослаштирилган.

Университетда аниқ ва техника фанлари бўйича чуқур назарий ва амалий дарслар ўтिलाди. Хитой бизнес-мактаблари орасида Цинхуа биринчилардан бўлиб, бизнес-таълими халқаро ассоциацияси аккредитациясидан ўтиб, халқаро мақомга эга бўлган.

Эътиборли жиҳатларидан бири, университетдаги эркак ва аёл талабалар сони 9/1 нисбатини ташкил этади, яъни университет талабаларининг аксарият қисmini эркак талабалар ташкил этади. Хозирда Цинхуада 170 минг нафардан зиёд талабалар таҳсил олиб келмоқда. Университетга кириш имтиҳонларида бўлажак талабалар кучли рақобатини энгилтишига тўғри келади.

Дарвоке, Хитойнинг ҳозирги кундаги президенти Ху Цзиньтао ҳам айнан Цинхуаннинг фахрли битирувчиларидан бири саналади. Университет талабалари бу билан фахрланиб юришади.

Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш
Ҳаёт ўрганиш, изланишлардан
иборат. Илм — уммон, дея бе
жиз айтилмаган. Шундай экан
унда барчамиз яхши сузувчи
бўлайлик!

Испаниянинг "Реал" Мадрид футбол жамоаси делегацияси "Art Week Style.uz-2011" санъат ҳафталиги тадбирларида иштирок этиш ва Фонда Форумнинг спорт соҳасидаги лойиҳалари доирасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида юртимизга ташриф буюрди. Хусусан, ташриф давомида Тошкентда "Реал" Мадрид футбол мактабини очиш бўйича музокаралар олиб борилмақда.



Тошкентда «Реал» Мадрид академияси

Шу мақсадда, "Реал" Мадрид жамғармаси раиси Карлос Эскудеро 24 октябрь кuni Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов билан учрашди.

Шу ўринда қисқача маълумот: "Реал" Мадрид клуби 100 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда ва у 20 асрнинг энг ахши клуби деб тан олинган.

"Реал"нинг бутун дунёдаги академиялари сони 55 та давлатда 167 тани ташкил қилади.

Осиёнинг Фаластин, Саудия Арабистони, БАА, Эрон, Иордания ва Хитой мамлакатларида қироллик клуби академиялари очилган. Марказий Осиёда эса биринчилардан бўлиб айнан бизнинг дийрда очилиши мумкин. Бу ҳам бўлса, бугунги кунда мамлакатимизда футболга берилган эътиборнинг маъсулидир.



Мирабдуллаев «Боруссия»да

Газетамизнинг ўтган сониди Мексикада бўлиб ўтган 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сафиди тўп сурган Жавлон Мирабдуллаев ҳамда Бобур Давлатовларнинг Европа клублари кўригидан ўтаётганлиги ҳақида маълумот берган эдик. Фақат улар билан айнан қайси жамоалар қизиқаётганлиги сир тўтилатган. "Бунёдкор" клуби расмий сайтининг хабарига кўра, жамоа футбол мактаби тарбияланувчиси Жавлон Мирабдуллаев Мёнхенгладбахнинг "Боруссия" клуби йиғинларида иштирок этмоқда. У 27 октябрга қадар жамоа машғулотларида қатнашар экан. Ана шундан сўнг ҳимоячимизнинг Германияда қолиш-қолмаслиги ойдинлашади. Умид қиламизки, футболимиз келажакларидан бири бўлмиш Жавлон Мирабдуллаев "Боруссия" кўригидан муваффақиятли ўтиб, фаолиятини Европанинг кучли чемпионатида давом эттиради.

«Милан»нинг иродали ғалабаси

Италия "А" сериясининг 8-тур ўйинида "Милан" жамоаси "Лечче" уйига сафар қилди. Биринчи бўлимнинг ўзида ўз дарвозасидан 3 та тўп ўтказиб юборган миланликлар иккинчи таймда "уйғонишди". Иккинчи бўлимда майдонга тушган Боатенг ўйинда тўп бурилиш ясади. Унинг 3 та ва Йенеснинг битта голи якунда "Милан"нинг иродали ғалабасини тасминлади.

"Лечче" - "Милан" - 3:4 (3:0, 0:4)

Голлар: 1:0 - Жакомацци (4), 2:0 - Оддо (30, пенальтидан), 3:0 - Гроссмиллер (37), 3:1 - К.Боатенг (49), 3:2 - К.Боатенг (54), 3:3 - К.Боатенг (63), 3:4 - Йенес (83).

Олимпиячиларимизда яна бир соғрин

Яқиндагина Украина пойтахтида бўлиб ўтган Валерий Лобановский хотира турнирида голиб бўлган олимпиячиларимиз иккинчи мусобақада ҳам муваффақият қозонишди. Вьетнам футбол федерацияси Эксимбанк 2011 халқаро мусобақасида қатнашган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси якунда бош соғринни қўлга киритди.

Турнирга боришдан аввал Вадим Абрамов таркиб борасида бир қатор муаммоларга дуч келди. Балки муаммо деб аташ ҳам нотўғридир. Клубларимиз олдида турган жиддий ўйинлар сабаб бир қатор етакчи футболчиларни рўйхатдан чиқаришга тўғри келди. Жумладан, Фозил Мусаев ҳамда Кенжа Тўраевлар "Насаф"ни ОФК кубоги ярим финал жавоб учрашувида ўта муҳим ўйин кутиб турганлиги учун жамоа билан бирга Иордания йўл олган эди. Миллий чемпионатимизнинг "классико"-сига айланган Фарғонанинг "Нефчи" ва Тошкентнинг "Пахтакор" жамоалари ўртасидаги баҳснинг муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда В.Абрамов Ислон Тўхтаҳужаев (Нефчи) ҳамда Темуруҳжа Абдухаликов (Пахтакор)ларнинг



№	Жамоалар	У	Д	М	Т-Н	О
1	Ўзбекистон	3	2	1	0	6-3 7
2	Вьетнам	3	1	2	0	7-2 5
3	Малайзия	3	1	1	1	4-6 4
4	Мьянма	3	0	0	3	2-9 0


ҳам ўз клублари ихтиёрида қолишига имконият яратиб берди. Қисқаси, мусобақа олдида олимпиячиларимиз ана шундай кичик муаммоларга дуч келишди.

Энди бевосита турнир ҳақида. "ВФФ Эксимбанк 2011" халқаро мусобақасида Вьетнам, Малайзия, Ўзбекистон ҳамда Мьянма олимпия терма жамоалари иштирок этишди.

Олимпиячиларимиз илк уч-

рашувни малайзиялик тенгдошларига қарши ўтказиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Иккинчи ўйинда эса майдон эгалари билан куч сынашиб, 1:1 ҳисобидаги дурангни қайд этишди. Сунгги баҳсда Вадим Абрамов шогирдлари Мьянма олимпия терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этишди. Бу натижа Ўзбекистон олимпия терма жамоасини мусобақа чемпиони бўлиши учун етарли бўлди.

«МЮ»га аталмаган оқшом



Ҳамма вақт ҳам "дербини" мақомига эга бўлган учрашувлар ўта кескин ва курашларга бой бўлиб келган. Мисол учун, Ўзбекистонда "Тошкент дербиси" ("Пахтакор" - "Бунёдкор"), Италияда "Милан дербиси" ("Милан" - "Интер"), Рим дербиси ("Лацио" - "Рома"), Англия "Лондон дербиси" ("Челси" - "Арсенал") ва шу каби "дербини"лар.

23 октябрь оқшомида футбол мухлислари Англия премьер лигасининг 9-тури доирасида "Манчестер дербиси" гувоҳи бўлишди. Унда ушбу шаҳарнинг

"Манчестер Юнайтед" ва "Манчестер Сити" жамоалари ўзаро кураш олиб боришди. Дербига-ча ҳар икки жамоа Англия премьер лигасида қарвонбошилик учун кураш олиб боришаётган эди. 8 турдан сўнг Сити 22 очко жамғариб, биринчи ўринда бораётган бўлса, Юнайтед 20 очко билан "шаҳарликлар"ни таъқиб келаётган эди.

"Олд Траффорд"да бўлиб ўтган ўйинда Сити йирик ва айтиш мумкинки, қутулмаганди майдон эгаларини 1:6 ҳисобида тор-мор этди. Роберто Манчинининг шогирдлари "қизил иблислар" устидан бундай ҳисобда ғалаба қозонишларини ҳатто ўзлари ҳам билишмаган

бўлса керак.

"Манчестер Юнайтед" - "Манчестер Сити" - 1:6 (0:1, 1:5)
Голлар: 0:1 - Балотелли (22), 0:2 - Балотелли (60), 0:3 - Агуэро (69), 1:3 - Флетчер (81), 1:4 - Джеко (90), 1:5 - Сильва (90), 1:6 - Джеко (90).

Четлатиш: Дж. Эванс (47) - "МЮ".

Маълумотларга қараганда, "Манчестер Юнайтед" клуби қарийб саксон бир йилдан бери Англия чемпионати доирасидаги уй учрашувларида бирор марта олтига гол ўтказиб юбормаган экан. "Қизил иблислар" охири марта 1930 йилнинг 10 сентябрида "Хаддерсфилд"га



0:6 ҳисобида имкониятни бой беришган. Ундан буюғида "Олд Траффорд"да улар бирор марта бунчалик кўп гол ўтказиб юборишмаган эди.

"Манчестер дербиси"да эса "МЮ" сунгги бор 1926 йил 23 январда худди ушбу учрашувдагидек "Манчестер Сити"га 1:6 ҳисобида ютказган экан.

Мақсудали ҚАМБАРОВ
тайёрлади

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
Ўзбекистон
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV,
Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy GOIPOV,
Svetlana ORTIQOVA,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib
bosish taqat tahririyat ruxsati bilan
amalg eshiladi.
□ - tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma J-3018. 51 890 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G'ALIMOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'DENOHNOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yzatga olingan.

